MUBORAK TUMANI HOKIMINING QARORI

180900, O’zbekiston Respublikasi, Qashqadaryo viloyati, Muborak shahri, Zanjirsaroy shoh ko’chasi, 15/1 uy. Tel.: 672-34-74, Faks:672-17-77

2021 yil 8 fevral HQ-115/02-sonli Muborak shahri

Туманда 2021 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туманда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш қуйидаги даврийликка мувофиқ белгилансин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар- бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда;

навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур бандниng иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

4. Қарорнинг 3-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта- жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача;

иккинчи марта- жорий йилнинг 1 сентябридан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг 1 январидан 31 августигача ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди 2 ва 3-хатбошиларига кўра транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, вазирликлар ва идораларнинг, бошқа

ташкилотларнинг, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (кейинги ўринларда ТХС деб аталади) шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, нормаларига мувофиқлиги тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар (кейинги ўринларда Субъектлар деб аталади) томонидан ҳам баҳоланиши мумкин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8.Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Муборак туман ҳокимининг 2020 йил 6 февраль кунидаги HQ-88/02-сонли қарори ўз кучини йўқотган хисоблансин.

10. Мазкур қарор туман "Муборак ҳаёти" газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Лукмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б **У.Эрназаров**

Туман ҳокимининг 2021 йил
8 февралдаги HQ-115/02-сонли
қарорига 1-илова

Муборак тумани ҳудудида 2021 йил транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси:

Б.Юсупов	Туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиғи, лейтенант

Комиссия раиси ўринбосари:

Н.Луқмонов	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби:

Б.Шокиров	Туман ички ишлар бўлими ЙҲХБ катта инспектори

Аъзолари

Д.Юсупов	туман Мудофаа ишлар булими бошлиғи
С.Султонов	туман “Ватанпарвар” ташкилоти раиси
Д.Сафаров	Қашқадарё вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Муборак туман инспекцияси бошлиғи в.б
А.Дўсанов	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлинмаси ходими
А.Тошов	туман ИИБ ЙҲХБ жамоатчилик вакили

Туман ҳокимининг 2021 йил
8 февралдаги HQ-115/02-сонли
қарорига 2-илова

Муборак туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли транспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ташкилот, корхона, ва автохўжаликлар номлари.	Жойлашган манзили	Куни ва вақти	Кўрик ўтадиган жойи	Транспорт воситалари сони
1	Муборак “ЯГУАР” МЧЖ	Кончилар МФЙ	02.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	5
2	Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	Кончилар МФЙ	03.03.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	4
3	Машъал футбол клуби МЧЖ	Ёшлик МФЙ	04.05.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	11
4	Муборак Қоракўлчилик МЧЖ	Муборак МФЙ	05.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	22
5	Қурилиш ва капитал таъмирлаш монтаж МЧЖ	Кончилар МФЙ	09.04.2021 й 11-00	Ташкилот ўзида	3
6	“ОМАД” МЧЖ	Ёшлик МФЙ	10.04.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	8
7	Муборак иссиқлик электр маркази АЖ	Саноат худуди	11.04.2021 й 8-00	Ташкилот ўзида	20
8	Ўзмахсусэнергогаз АЖ	Дустлик МФЙ	12.04.2021 й 8-30	Ташкилот ўзида	33
9	“Қашқадарё технологик транспорт” АЖ 2-сонли автосаройи	Саноат худуди	13. 04.2021й 8-30	Ташкилот ўзида	62
10	Нефтгазтаъмир қурилиш монтаж ва таъмирлаш бошқармаси МЧЖ	Саноат худуди	15.04.2021 й 900	Ташкилот ўзида	24
11	Қ/К “Кўкдумалоқгаз”	Ёшлик МФЙ	16.04.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	4

12	Муборак саноат касб ҳунар коллежи	Ёшлик МФЙ	17.03.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	5
13	Туман хокимияти	Тонг МФЙ	18.03.2021 й 11-00	ЙХХГ биносида	3
14	МКТ “Ватанпарвар”	Дустлик МФЙ	19.03.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	6
15	“МНГ –Сув-таъминот” УК	Кончилар МФЙ	20.04.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	16
16	“Муборактранс техника” МЧЖ	Ўзбекистон МФЙ	22.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	19
17	Ободонлаштириш бошқармаси	Кончилар МФЙ	23.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	4
18	АЖ Электрогаз Таш-СМНУ	Кончилар МФЙ	24.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	17
19	Муборак технологик транспорт ва бутлаш шуъба корхонаси	Саноат худуди	25.03.2021 й 10-00	Ташкилот ўзида	8
20	Муборак “Ботир автотранс”МЧЖ	Ёшлик МФЙ	26.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	15
21	Муборак газни қайта ишлаш заводи МЧЖ	Кончилар МФЙ	27.03.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	98
22	Муборак нефтгаз қазиб чиқариш бошқармаси	Кончилар МФЙ	30.03.2021 й 8-30	Ташкилот ўзида	205
23	Ўзбекистон ҳарбийлаштирилган қисми	Дустлик МФЙ	31.03.2021 й 8-30	Ташкилот ўзида	51
24	Магистрал газ қувурлари бошқармаси МЧЖ	Саноат худуди	01.04.2021 й 9-00	Ташкилот ўзида	36
25	Муборак “Шоҳжахонтранс” Х.К	Кончилар МФЙ	02.04.2021 й 10-30	Ташкилот ўзида	5
26	Муборак “Месит” МЧЖ	Тонг МФЙ	03.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	3
27	Муборак “ЯН” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси	Ёшлик МФЙ	05.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	3

28	Муборак “Камолбек инвест” МЧЖ	Кончилар МФЙ	06.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	3
29	Муборак “Озод Умар Барака” МЧЖ	Кончилар МФЙ	07.04.2021 й 10-30	ЙХХБ биносида	4
30	“Нефтгаз бутлаш таъмирлаш” МЧЖ	Тонг МФЙ	08.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	4
31	Тоза ҳудуд ДУК	Ўзбекистон МФЙ	09.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	4
32	“ШОҲСУВОР” МЧЖ	Ўзбекистон МФЙ	10.04.2021 й 10-00	ЙХХБ биносида	3
33	Муборак нефть, газ монтаж МЧЖ	Ёшлик МФЙ	12.04.2021 й		41
34	Муборак ирригация бўлими		13.04.2021 й		3
35	Муборак Эко-ҳаёт МЧЖ		14.04.2021 й		4

Муборак тумани ИИБ ЙҲХБ
бошлиғи лейтенант **Б.Юсупов**